

2ep

# Хабар

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

16  
(1074)  
19-aprel  
2013  
www.xabar.uz  
info@xabar.uz

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ALOQA, AXBOROTLASHTIRISH VA TELEKOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARI DAVLAT QO'MITASI NASHRI 1992-yil martdan chiqq boshlagan

## ЭЛЕКТРОН ТЎЛОВЛАР ВА ТИЖОРАТ

Иқтисодий ислохотларнинг ажралмас қисмидир



Замонавий ахборот ва компютер технологияларини иқтисодиёт тармоқлар, айниқса, банк, молия ва тижорат тузилмалари фаолиятида кенг миқёсда жорий этиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартдаги "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, 2012 йил 16 июлдаги "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2012 йил 18 июлдаги "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонларида асосий йўналишлар сифатида белгилаб берилган.

Ушбу норматив ҳужжатларда пластик карталар ва бошқа электрон тўловлар воситалари орқали интернетда товар ва хизматларга тўлов имкониятларини ривожлантириш учун дастурий-техник инфратузилмани такомиллаштириш ҳамда тижорат фаолияти ва тадбиркорликда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш мақсадида рағбатлантиришни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар ҳам ўз аксини топган.

5-бет

### Алоқа оламида

Япониянинг So-net Entertainment интернет-провайдерининг 2 Гбит/сония тезликдаги "хонадон интернетини" тақдим этишни бошлади. Бу жаҳондаги энг юқори кўрсаткичдир.



Nuro дея номланган бу сервис ҳозирча Токио ва унга туташ олтита префектурада йўлга қўйилган бўлиб, хонадонлар, кичик бизнес ва ресторан хизмати вакилларига мўлжалланган.

Агар икки йиллик шартнома имзоланса, Nuroдан фойдаланиш ойига 4980 иена (51 доллар)га тушади.

### Ушбу сонда:

- Интерфаол электрон доска 2
- Ахборот технологиялари кўмаги 3
- Компютерлар бозорида инқироз 4
- e-kommunal.uz — окно в мир потребительских услуг 6
- Икки ниҳол — икки ижодкор 11
- Дўстлик ришталари 12

Сўнги янгилик!

Теледастурлар, спорт, сканворд

## Umadan umagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 17 апрел куни Оқсаройда "Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили" мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Ислам тараққиёт банки президенти Ахмад Муҳаммад Алини қабул қилди. Музокарада муносабатлар истиқболи ҳамда янги ўзаро манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Жорий йилнинг 16-17 апрел кунлари мамлакатимизда "Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Халқаро конференциянинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади. Ушбу анжуманда эллика яқин мамлакатдан қарийб 300 нафар олим, мутахассис ва эксперт иштирок этди. Конференция иштирокчилари Самарқанд, Бухоро ва Тошкент вилоятларида бўлиб, мамлакатимизда истиқлол йилларида амалга оширилган бетимсол бунёдкорлик ишлари, хусусан, қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш, намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар барпо этиш борасида амалга оширилган кенг кўламли ишлар, янги аҳоли пунктларидаги ижтимоий соҳа, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик объектлари билан танишдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 14-15 апрел кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Мамлакатимизга ташриф буюрган Испаниянинг Валенсия провинцияси Халқ партияси сенатори, Европа Кенгаши аъзоси Педро Агумент раҳбарлигидаги Испания парламенти делегацияси 15 апрел куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасида учрашувлар ўтказди. Шунингдек, Испания делегацияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида ҳам учрашувлар ўтказди.

Қарши шаҳрида Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасининг ҳудудий босқичи бўлиб ўтди. Унда воҳада фаолият кўрсатган 170дан ортиқ корхона юзлаб турдаги маҳсулотлари билан иштирок этди. Тадбир давомида ишлаб чиқарувчи, таъминотчи ҳамда савдо корхоналари ўртасида маҳсулот сотиб олиш ва етказиб бериш бўйича жами 6 миллиард 439 миллион сўмлик ички ва 5 миллион 51 минг АҚШ долларлик экспорт шартномалари имзоланди.

# АКТнинг янги истиқболи

"Ўзи-Қарши" филиалида "Электрон ҳужжат ва унинг истиқболлари" мавзусида семинар бўлиб ўтди

Қашқадарё вилоят ҳокимлиги Компютерлаштириш маркази, Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармаси ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур семинар-йиғилишда вилоятдаги алоқа корхоналарининг иш юритувчилари, электрон ҳужжат билан ишлайдиган масъул ходимлари иштирок этдилар.


Семинарда ахборотлаштириш соҳасидаги ислохотлар изчил олиб борилаётгани натижасида барча

тармоқлар ва давлат бошқаруви органлари олдига қўйилган вазифалар, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва телекоммуникация тизимларини ривожлантириш ва ҳаётга кенг жорий қилиниши ҳақида сўз борди. Шунингдек, давлат бошқарув органларининг ўз сайтларига эга бўлганлиги, локал компютер тармоқларининг ташкил этилганлиги, ходимларнинг компютер саводхонлиги даражаси, ҳужжатларни сақлаш, уларнинг махфийлигини таъминлаш, ҳужжатларни юритиш, уларнинг тўлиқ сақланишини таъминлаш ҳақида маълумотлар берилди.

Мутахассислар электрон ҳужжат, электрон рақамли имзо, ҳужжатларни идентификация қилиш, электрон ҳужжат реквизитлари, унинг ҳақиқийлигини тасдиқловчи маълумотлар, техника воситалари, ахборот тизимлари, ҳужжатларга ишлов бериш, "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги қонун моҳияти тўғрисида тушунча бердилар.

Семинар давомида ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида назарий билимларни мустаҳкамлаш учун амалий ишлар ҳам кўрсатиб ўтилди.

И.АФТОНДИЛОВ



## Интерфаол электрон доска

ўқитувчиларнинг яқин кўмакчиси

**Халқ таълими вазирлигида ташкил этилган кўргазмада чет тилларини ўргатишда кўмакчи воситалар — янги кўргазмалар қуроллар, электрон ўқув жиҳозлари намуналари намойиш этилди.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан 2013-2014 ўқув йилидан чет тиллари, асосан, инглиз тилини умумтаълим мактабларининг биринчи синфларидан ўйин тарзидаги дарслар ва оғзаки нутқ дарслари шаклида ўргатиш бошланади. Шундан келиб чиқиб, 2013-2016 йилларда хорижий тиллар кабинетларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда ўқитишнинг техник воситалари билан қўшимча жиҳозлаш белгиланган.

Дарҳақиқат, таълим сифатини, самарадорлигини ошириш, ўқувчиларни қизиқтирадиган ўйин шаклидаги дарсларни мақсадли ташкил этишда замонавий педагогик технологиялар ҳамда ахборот-коммуникация воситаларининг роли жуда катта.

Уларни қўллаш имкониятлари қўлами кундан-кунга кенгайиб, техник воситалар ўқув жараёнининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Айтиш жоизки, шундай воситалардан бири — интерфаол электрон доска (ИЭД)нинг ўқувчиларда таълим олиш мотивациясини ривожлантириш, уларнинг дарс жараёнида фаол иштирокини таъминлашда ўрни бекиёс. ИЭД ижодкор ўқитувчилар учун дарсларни қизиқарли, ноанъанавий тарзда ташкил этиш ҳамда ҳар қандай мураккабликдаги мавзуларни ўқувчиларга осон тушултириш имконини беради. Инглиз тили фани ўқитувчиларининг таъкидлашчи, ИЭД ўқувчилар учун қизиқарли таълимий ўйинларни ташкил этиш ҳамда нутқ кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган амалий топшириқларни ишлаб чиқиш ва тақдим этишда жуда асқотади.

Кўргазмада, шунингдек, дарс жараёнида ўқувчи ва ўқитувчиларга бир қатор қулайликлар яратадиган ахборот-коммуникация технологиялари, инглиз тили фанидан тажрибасинов учун мўлжалланган дарслик макети ва унинг электрон варианты (мултимедиа ресурслари билан), турли дидактик материаллар иштирокчилар эътиборига ҳавола этилиб, уларнинг афзалликлари ҳақида атрафлича маълумот берилди.

Ўқувчиларга фаол усулда чет тилларни ўргатишга ёрдам берадиган кўргазмалар, кўп маротаба фойдаланишга мўлжалланган харфлар, рақамлар ҳамда расмларни ўз ичига олган интерфаол мултимедиа қўлланмаси мутахассислар эътиборини ўзига тортди. Жамланмадаги қўллаб анимацион ролик ва овозли файллар ўқувчиларда ўқиш, ёзиш, санашига оид кўникмаларни, нутқни оддийдан мураккаблик сари ривожлантириб бориш имконини беради.


Ўз мухбиримиз

### INFO-ФАКТ

**Масофавий банкиндан фойдаланувчилар сони уч ой ичида 37 фоизга ўсди.**

Марказий банк томонидан берилган маълумотга кўра, Ўзбекистонда масофадан банк хизматларини кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчилар умумий сони 149 мингга өтди.

Таққослаш учун: йил бошида бу кўрсаткич 108 мингга тенг эди ва 2013 йилнинг биринчи чорағидаги ўсиш 37 фоизни ташкил этди.



**Давлат божхона қўмитасининг ягона автоматлаштирилган ахборот тизими, шунингдек, соҳага жорий қилинаётган ахборот технологиялари божхона назоратини ташкил этишнинг асосий механизмига айланиб, мамлакатимиз иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш жараёнида божхона тизимининг тобора ортиб бораётган вазифаларини амалга оширишнинг сифат жиҳатдан янги bosқичини бошлаб бермоқда.**

Вазирлар Маҳкамаси қарорига кўра, Давлат божхона қўмитасининг бюджетдан ташқари махсус жамғармаси маблағларидан қатъий мақсадли фойдаланиш, биринчи навбатда, тасдиқланган 2011-2015 йилларда давлат божхона хизмати органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тадбирлари дастурини амалга ошириш, энг аввало, божхона постларини божхона чегараси орқали ўтадиган товарларни тўлиқ қамраб олиш ва ҳисобга олишни таъминлаш имконини берадиган замонавий сканерлаш ва махсус асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун сарфланиши белгилаб қўйилган.

"2011-2015 йилларда давлат божхона хизмати органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тадбирлари дастури" 16та баъддан иборат бўлиб, уларда, энг аввало, божхона органлари фаолиятига ахборот технологияларини жорий қилиш, хусусан, божхона постларини замонавий техник назорат воситалари билан жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилган. Дастурда кўзда тутилган чора-тадбирлар учун умумий ҳисобда салкам 130 млрд. сўм маблағ ажратилган.

Дастур доирасида Тошкент вилоятининг Ойбек ҳамда Сурхондарё вилоятининг "Айритом" божхона постларида иккита катта ўлчамли мобил автосканер қурилмалари фойдаланишга тоширилди. Шунингдек, Сурхондарё вилояти божхона бошқармасининг "Ғалаба" темир йўл божхона пости темир йўлда ташилувчи юкларни назорат қилувчи сканер қурилмаси билан жиҳозланди.

# Ахборот технологиялари кўмаги



Йил якунига қадар, Андижондаги "Дўстлик", Бухородаги "Олот" ва Сурхондарёдаги "Сариосиё" божхона комплексларини мобил сканер қурилмалари билан таъминлаш режалаштирилган. Кези келганда таъкидлаш жоизки, ўрнатилган сканер қурилмалари кўмагида 321та божхона қонунбузилишлари фош қилинди.

Дастур доирасида Сурхондарёдаги "Дарё порти" божхона пости, Навоийдаги "Аэропорт" божхона пости, "Тошкент халқаро аэропорти" ва бошқа чегара божхона постлари 23 комплект янги рентген аппаратлари билан жиҳозланди.

Шунингдек, божхона постлари 88 комплект паспорт сканер қилиш қурилмалари билан таъминланди, ҳозирга қадар 59та божхона постларида видеокузатув тизими фаолияти йўлга қўйилган.

**Давлат божхона қўмитаси таркибий тузилмаларида аynи пайтда 472та компьютер воситалари, 224та кўп функцияли принтерлар ва бошқа техник воситалар ҳамда зарур мебел жиҳозлари мавжуд.**

Бундан ташқари, Давлат божхона қўмитаси таркибий тузилмаларида аynи пайтда 472та компьютер воситалари, 224та кўп функцияли принтерлар ва

бошқа техник воситалар ҳамда зарур мебел жиҳозлари мавжуд. Жорий йилда божхона постлари 28 комплект "Автомобил рақамларини таниб олиш" автоматлаштирилган ахборот тизими қурилмалари билан таъминланади.

2011-2013 йилларда 11та божхона постларини радиация назорати тизимлари билан таъминлаш кўзда тутилган бўлиб, ҳозирга қадар ДБК захирасида мавжуд қурилмалардан фойдаланилган ҳолда тўртта божхона постида радиация назорати тизими йўлга қўйилди. Йил якунига қадар эса яна олти божхона постлари радиация назорат тизими билан таъминланиши режалаштирилган.

Дастур доирасида ва турли лойиҳалар асосида ДБК марказий ашарати 14та турли қувватдаги сервер ускуналари билан таъминланди. Табиийки, мазкур сервер қурилмалари ДБКнинг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимлари фаолиятини ривожлантириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва тизим тезлигини оширишга катта ҳисса қўшади.

Шу ўринда ДБКнинг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими ҳақида қисқача изоҳ. Ахборотларни реал вақт тартибда йиғиш, назорат ва таҳлил қилиш, қайта ишлаш имконини берувчи Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими (ЯААТ) божхона расмийлаштирувини соддалаштириш, ташқи савдо иштирокчилари ва божхона ходимлари учун қулайликлар яратиш, божхона қоидалари бузилиши ҳолатларини аниқлаш ва контрабандага қарши курашиш, давлат бюджетини тўлдириш ва божхона тўловлари йиғилувчанлигини оширишга хизмат қилади.

Аynи пайтда ДБК ЯААТ ўз ичига 20та яқин ахборот тизимларини қамраб олган. Ушбу тизимлар сони яна иккитага кўпайди. Яъни, "Маркировка ва аудит" ва "Товар коди" автоматлаштирилган ахборот тизимлари амалиётга жорий этилди.

Мазкур тизимларнинг божхона органлари фаолиятига татбиқ этилиши нафақат божхона назоратини таъминлаш ва расмийлаштирув жараёнини тезлаштирмоқда, балки божхона органларининг ягона ахборотлар манбаини яратишга ҳам хизмат қилмоқда.

**Ўз мухбиримиз**


## Муҳим мавзудаги ўқув

"Ўзбектелеком" АК Бухоро филиалида "Фуқаролик жамияти институтлари — демократик кадрятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш омили" мавзуда навбатдаги маънавият ва маърифат ўқуви ўтказилди.

Мазкур филиал, Абу Али ибн Сино номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази ҳамда Бухоро шаҳар телекоммуникациялар боғламаси ходимларидан иборат тингловчилар Республика маънавият тарғиботи маркази вилоят бўлими тарғиботчиси Жасур Болтаевнинг маърузасини катта қизиқиш билан тингладилар. Маънавият ва маърифат ўқуви давомида муҳокама этилган мавзу доирасида "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да илгари сурилган фуқаролик жамияти ривожланишининг устувор йўналишлари хусусида батафсил маълумотлар берилди.

Асқар ИСТАМОВ,  
"Xabar"нинг Бухоро вилоятидаги мухбири

## Фахрийлар Бухорода



"Ўзбектелеком" АК "Бош Коммутиация Маркази" филиалида "Обод турмуш йили Давлат дастури" доирасида ходимлар ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, фахрийлар ва ногиронларга меҳр-муруват кўрсатиш раҳбарият, касаба уюшмаси қўмитаси ҳамда Фахрийлар кенгаши ташаббуси билан амалга оширилади.

Жумладан, жорий йилнинг 12-14 апрел кунлари 37 нафар ишламаётган фахрийлар Фахрийлар кенгаши раиси Бахтиёр Азимов бошчилигида тарихий ёдгорликлар бўлими бўлими Бухорога боришди. Бу ерда улар "Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали касаба уюшмаси қўмитаси раиси Олия Шукурлаева, Бухоро шаҳар телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Халил Турдиев ҳамда те-

леграф бошлиғи Маҳмуд Жалиловлар томонидан кутиб олинди. Улар ердамида зиёрат ишлари аъло даражада ташкиллаштирилди.

Фахрийлар Бухородаги диккатта сазовор Лаби Ҳовуз, Баҳоуддин Нақшбанд мажмуаси ва бошқа ёдгорликларни зиёрат қилдилар. Аynиқса, 1417 йили Мирзо Улуғбек томонидан қурилган Улуғбек мадрасаси, Миноран Калон, Қўқалдош мадрасалари, "Чорминор архитектуратур мажмуаси" сингари ёдгорликлар фахрийларимизда катта таассурот қолдирди.

Булардан ташқари, фахрийларимизнинг маданий-маънавий дам олишларини таъминлаш мақсадида Фахрийлар кенгаши ҳисобидан театр томошаларига бепул чипталар тарқатилди.

**М.АРИПОВА,**  
"БКМ" филиали маънавий-маърифий ишлар методисти

Xalqaro  
haqot

**БОСТОН МАРАФОНИ** якунида рўй берган икки портлаш юзасидан текшириш ишлари давом этмоқда. Федерал Қидирув Бюроси текширувлар назоратини ўз зиммасига олган.

Президент Барак Обама телевизион мувожаатида айни ҳужумга жавобгарлар топилиши ва адолат ҳукмига ҳавола этилишини урғулаган. "Биз бу портлашлар ортида кимлар турганини топамиз, улар нима учун бунга қўл урганини аниқлаймиз... Айни амалларга масъул ҳар қандай шахс ё гуруҳ тўлалигича қонун олдида жавоб беради", деган Обама.

**СУРИЯ** президенти Башар Асад умумий амнистия тўғрисидаги фармонни имзолади. Бу ҳақда президентнинг маъбуот хизмати хабар берди. Амнистия 2013 йил 16 апрелга қадар содир этилган барча жиноятларга қаддор. Амнистия Асад кўзлаган сиёсий инқирозни бартараф этиш режасига киритилган.

Эслашиб ўтамиз, 2012 йил октябрда ҳам мамлакатда амнистия эълон қилинган эди.

**АФФОН ДЕҲҚОНЛАРИ** яна кўкнори экишга қайтarmoқда. 2006 йилда Хелманд вилояти Британия хавфсизлик ҳарбий кучлари назорати остига ўтганидан бери афюн етиштириш уч қарра ошган. БМТ маълумотига кўра, бу йилги ҳосил ундан ҳам кўроқ бўлиши кутимоқда.

**GERMANYA**да яшовчи шахс "Euro Lottery"дан 46 миллион евро жекпотни ютиб олди. 14та Европа давлати иштирок этган лотерея ўйини Хелсинкида ўтган. Бир кун ўтгач Висбаденда ютуқнинг еттига рақамни ҳам тўри топган голиб борлиги маълум қилинди. Голибнинг исми ошкор этилмади. Лотерея ташкилотчилари унинг ёши 30дан сал ошгани, ўзи Майн-Рейнда яшашини айтишди.

Маълумотларга кўра, бу жекпот — Германия тарихидаги энг йирик лотерея ютуғидир.

**РЕСПУБЛИКАЧИ СЕНАТОР** Рожер Уикерга конверт ичда заҳар келди, дея хабар беради NPR радиостанцияси. Радиостанция маълумотларига қараганда, конвертдаги модда уч марта текширилган ва ҳар гал ижобий жавоб олинган. Бироқ конвертда айнан қандай заҳар бўлгани аниқ эмас. Тахминларга кўра, бу заҳар ўсимликлардан олинмаган кучли таъсир кўрсатувчи рицин бўлган.

**IFAD** — Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси келгуси олти йил давомида Афғонистонга 58 миллион доллар ажратди. Бу борадаги битим Афғонистоннинг Италиядаги элчиси Зиё Низом ва жамғарма раҳбари Ф.Нванзе томонидан имзоланган.

Мазкур маблағ Афғонистоннинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, деҳқонларнинг бозорга чиқишларига кўмаклашиш, бошпанасиз деҳқонларни қўллаб-қувватлаш, аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилаш ва аёллар касабани уюшмаларини шакллантириш учун сарфланади. Бундан ташқари, чорвани парваришлаш, сабзавот етиштириш ва боғдорчилик бўйича курслар ташкил этилади. Лойиҳа доирасида Қобул, Парван ва Лоғар вилоятларидаги 169,5 минг хўжаликнинг аҳоли яшиланиши кутимоқда.

Компютерлар  
бозорига итқиқроз

Жаҳон компютерлар бозорининг икки йирик тадқиқотчиси — IDC ҳамда Gartner компаниялари бозорнинг 2013 йил биринчи чорагига доир ҳисоботини тақдим этишди.

Хар икки ҳисоботда ҳам шахсий компютер (ШК)лар савдосининг кескин пасайиб бораётганлиги кўрсатилган, бунинг сабаблари ўша-ўша: фойдаланувчиларни планшет ва ноутбуклар оҳанрабодек ўзига тортипти, бунинг устига, Windows 8 амалий тизими савдоси кўнгилдагидек эмас.

IDC ҳисоботида биринчи чорақда ШК савдо кўрсаткичи ўтган йилгидан 14 фоиз пасайгани (сўнги 17 йилдаги паст кўрсаткич) таъкидланган, Gartner ҳисоблаш усулига мувофиқ, пасайиш 11,6 фоиз бўлган ва бу сўнги 13 йилдаги энг салбий кўрсаткичдир.

Мустақил экспертлар назарида бу рақамлардаги тафовут (11,6 ёки 14 фоиз) энди улчалик муҳим эмас, асосийси, "нишг қоллидан кўчиб бўлди" — одамлар янги компютерлар олиш истагида эмаслар ёки оғир молиявий ҳолат туфайли ҳеч нарса харид қилишмаяпти, жуда бўлмаганда, смартфон ёки планшетларни танлашяпти.

Савдо кўрсаткичлари пасайиши

барча асосий бозорларда (АҚШ, Европа ва Осиё) ҳамда ишлаб чиқарувчиларда (Hewlett-Packard, Dell, Asus ва Acer) кузатилди. Шу ўринда Хитой ички бозоридаги эҳтиёж катталиги ва ҳукумат қишлоқ туманларига маҳаллий



юқори технологияларни татбиқ этиш сие-сатига зўр бераётганлиги туфайли Lenovo компанияси бу чоракни ҳам фойда билан якунлаганини алоҳида тилга олиш жоиз.

## Жаҳон компютер (ШК) бозори\*

| № | Ишлаб чиқарувчи | Сотилган ШК (млн. дона) 2013 й, I чорак | Бозор улуғи 2013 й, I чорак (%) | Сотилган ШК (млн. дона) 2012 й, I чорак | Бозор улуғи 2012 й, I чорак (%) | 2013/2012 й. I чорак (тафовут) (%) |
|---|-----------------|---|---------------------------------|---|---------------------------------|------------------------------------|
| 1 | HP              | 11,997                                  | 15,7                            | 15,726                                  | 17,7                            | -23,7                              |
| 2 | Lenovo          | 11,700                                  | 15,3                            | 11,705                                  | 13,2                            | 0,0                                |
| 3 | Dell            | 9,010                                   | 11,8                            | 10,110                                  | 11,4                            | -10,9                              |
| 4 | Acer            | 6,150                                   | 8,1                             | 8,952                                   | 10,1                            | -31,3                              |
| 5 | ASUS            | 4,363                                   | 5,7                             | 5,401                                   | 6,1                             | -19,2                              |
|   | Бошқалар        | 33,075                                  | 43,4                            | 36,739                                  | 41,5                            | -10,0                              |
|   | <b>ЖАМИ</b>     | <b>76,294</b>                           | <b>100,0</b>                    | <b>88,635</b>                           | <b>100,0</b>                    | <b>-13,9</b>                       |

\*Манба — IDC (2013 йил, 10 апрел).



## "Юқори технологияли"

## Германия

Жорий йилнинг 10 апрел куни Германия таълим ва илмий тадқиқотлар вазири Йоханна Ванка маъруза килди. Маърузада жаҳон "хай-тек" савдоларида бу мамлакатнинг улуғи 12,1 фоизни ташкил этиши айтилди. Айнан шу кўрсаткичлар бўйича мамлакат АҚШ ва Хитойни орта қолдирмоқда. Хусусан, 2005-2011 йиллар мобайнида Германияда 92 мингдан зиёд янги юқори технологияли ишланма дунё юзини кўрган.

Бу каби махсулотларга патент олиш борасида АҚШ ва Япониядан кейин учинчи ўринни Германия банд этиб турибди. Немис тадқиқотчилари, айниқса, электр ва гибрид двигателли автомобиллар, энергия тежамкор қурилмалар ишлаб чиқишда катта зафарларга эришишди. Бу йўналишда немис днёрда хар йили ўртача 2200та янги патент олинмоқда.

DPA агентлиги хабар тарқатишича, Германияда илмий-тадқиқот соҳасида бандлар сони рекорд даражага — 567 минг кишига етган. Аксарият мамлакатлар иқтисодий кийинчиликлар боис илмий-тадқиқот соҳасини молиялаштириш чеклаётган бўлса, Германияда бунинг аксини кузатиш мумкин: 2006 йили бу мақсадлар учун 9,3 млрд. евро ажратилган бўлса, 2013 йили 14,4 млрд. евро илмий ишларга йўналтирилади.

## АТ-хабарлар

Америка телекоммуникациялар бозорида сўнги йиллардаги энг йирик битимлардан бири амалга ошиши мумкин: Dish Network йўлдошли ТВ оператори АҚШдаги учинчи йирик мобил алоқа оператори — Sprint Nextelни сотиб олиш таклифи билан чиқди. ТВ оператор битим учун 25,5 млрд. доллар таклиф этипти. 2012 йилни Sprint Nextel 35,3 млрд., Dish Network 4,3 млрд. доллар даромад билан якунлаганди.

Британиянинг тоза рақобат бўйича бошқармаси (OFT) балалар ва ўсмирлар учун бепул мобил иловалар ва браузер ишлаб чиқарувчи маҳаллий компаниялар устидан суриштирув бошлади.

OFT бу компанияларни аввалига бепул дея ёшларни ўйин жараёнига жалб этиб олиш, кейинчалик эса турли ҳийлалар билан уларга виртуал махсулотларни ўтказиб бўлмайд даромад ишлашда гумон қилмоқда.

Суриштирув натижалари жорий йилнинг октябр ойида эълон қилиниши белгиланган.

Google фойдаланувчилар учун гайриоддий сервис жорий этди. Сервисда, агарда фойдаланувчи оламдан ўтиб қолган тақдирда ёки у онлайнда узоқ вақт нофаол бўлганда унинг маълумотларини нима қилишни фойдаланувчининг ўзи олдиндан ҳал қилиши кўзда тутилган.

Мазкур "электрон васият" хизмати Google серверларида фойдаланувчилар томонидан қолдирилмаган (ёки унутиб юборилмаган) маълумотлар махфийлигини сақлашда қўл келиши таъкидланмоқда.

Яқин беш йилда маълумотларни шифрлаш икки маротабагача ошди.

IDC компанияси маълумот беришича, жаҳондаги компанияларнинг 41 фоизи ўз маълумотлари дахлсизлигидан жиддий ташвишда ва уларнинг хавфсизлигини таъминлашга энг асосий масалалардан бири сифатида ёндашмоқда.

Экспертларнинг фикрича, бу борадаги энг ишончли ва талаб юқори ҳимоя воситаларидан бири айнан шифрлаш ҳисобланади.

Ҳисоб-китобларга кўра, ишчи станцияларда маълумотларни шифрлаш бозори ҳажми яқин йилларда 50 фоиздан кўпроқ ўсиши ва 2016 йлга бориб 866 млн. долларни ташкил этиши кутуляпти. 2013 йили маълумотлар хавфсизлигини таъминлашга кетадиган харажатлар илк бор 2 млрд. доллардан ошди, 2016 йили эса бу сумма 3 млрд.га етишини мутахассислар чамалашмоқда.



(Давоми. Бошланishi 1-бетда.)

# ЭЛЕКТРОН ТЎЛОВЛАР ВА ТИЖОРАТ

Иқтисодий ислохотларнинг ажралмас қисмидир

## Ҳуқуқий база

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг рақобатбардошлиги, молиявий барқарорлик ва инвестиция фаоллигини янада оширишни таъминлаш мақсадида электрон тўловлар ва электрон тижорат тизимининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, тўлов тизимини тартибга солиш ва оптималлаштириш, электрон тижорат инфратузилмасини шакллантириш орқали маҳаллий товарларни ташқи бозорда реализация қилиш ишларини кенгайтиришни давр тақозо этмоқда.

Тадбиркорлик субъектларини кредитлашда давлат, назорат қилувчи органлар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги бевосита мулоқотни истисно этувчи электрон тизимга, шу жумладан, интернет тармоғига кенг миқёсда ўтишни норматив-ҳуқуқий таъминлаш бўйича масалаларни атрофлича муҳокама этиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Электрон тўловлар ва электрон тижорат тизимини ривожлантириш мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли иқтисодий ислохотларнинг ажралмас қисми экани ҳисобга олиниб, солиқ ва боғжона маъмурчилигида электрон тижорат ва электрон тўловлар тизимини такомиллаштириш ҳамда электрон тижоратни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш масалалари ҳам алоҳида эътибор қаратишни талаб этади.

Ўзбекистонда электрон тўловлар ва электрон тижорат тизимларини ривожлантириш мақсадида мазкур муҳим йўналишнинг тадрижий ривожланишини таъминловчи зарур ҳуқуқий база яратилган. Жумладан, "Электрон тижорат тўғрисида", "Ахборотлаштириш тўғрисида", "Электрон тўловлар тўғрисида", "Электрон рақамли имзо тўғрисида" ги қонунлар ва бошқа қатор норматив ҳужжатлар қабул қилинган.

## Янги босқич

Иқтисодий тизимга замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг кенг татбиқ этилиши, ўз навбатида, истеъмолчилар билан ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги ўзаро алоқаларни янги босқичга олиб чиқди. Бугунги кунда Ўзбекистонда электрон тўловлар, интернет глобал тар-

моғи ва мобил алоқа воситалари орқали банк соҳаси мижозлари учун интерактив хизматларни кўрсатиш тизимлари жорий этилиб, улардан самарали фойдаланилмоқда. Хўжалик юритувчи субъектлар, жумладан, кичик бизнес ва тадбиркорлик вакиллари томонидан ўз фаолиятлари жараёнида электрон тўловлар ва электрон тижорат имкониятларидан самарали фойдаланишлари уларнинг рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий натижаларга эришишларида асос яратди.

**Мамлакатимиз банк ва молия муассасалари интернет глобал тармоғи ва мобил алоқа воситалари орқали ўз мижозларига масофадан туриб электрон тўловлар, "SMS-банкнинг", "Мобил-банкнинг" каби интерактив банк хизматларини кўрсатмоқда.**

Бугунги кунда банк-молия тизимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг ўсиб боруви глобал тенденцияси, банк пластик карталари миқдорининг ўсиши ҳамда электрон тўловлар ва электрон тижоратнинг ривожланиб бориши баробарида мамлакатимизда электрон тўловлар ва электрон тижорат соҳасидаги лойиҳаларнинг амалга оширилиши фаоллашмоқда. Мамлакатимиз банк ва молия муассасалари интернет глобал тармоғи ва мобил алоқа воситалари орқали ўз мижозларига масофадан туриб электрон тўловлар, "SMS-банкнинг", "Мобил-банкнинг" каби интерактив банк хизматларини кўрсатмоқда.

Маълумки, тижорат банклари томонидан бугун аҳолига кенг миқёсда масофавий банк хизматлари тақдим этилмоқда. Мамлакатимизда 2013 йил 1 январь ҳолатига 9,57 млн. дона пла-

стик карталар чиқарилган, бу эса 2012 йил 1 январь ҳолатига 1,3 млн. донага кўпайганини билдиради. Ҳисоб-китоб терминалларининг сони 112,7 мингга етди, ушбу кўрсаткич 2012 йилда 99,5 мингтани ташкил этгани бу йўналишда ҳам ўсиш мавжудлигини тасдиқлайди. Республика банк муассасалари томонидан ҳисобларни масофавий бошқариш хизматлари кенг миқёсда кўрсатилаётганини жорий йилнинг 1 январь кунига мазкур хизматлардан фойдаланувчилар сони 92 мингга етгани, жумладан, "Интернет-банкнинг" ва "Банк-мижоз" хизматидан фойдаланувчилар сони 38,8 мингга, "Мобил-банкнинг" ва "SMS-банкнинг" — 53,6 мингдан ортганини кўрсатаётган рақамлардан билишимиз мумкин.

## Технологик ечимлар

Ҳозирда ахборот технологиялари соҳаси субъектлари томонидан электрон тўловлар ва электрон тижоратни амалга оширишни автоматлаштириш имконини берувчи хилма-хил технологик ечимлар таклиф этилмоқда. Хусусан, интернет тармоғида пластик карталар билан тўловларни амалга ошириш имконини берувчи дастурий таъминот ишлаб чиқилиб, жорий этилди. Uz доменда интернет-дўконлар мавжуд бўлиб, фойдаланувчиларига масофадан туриб, муайян вақт тартибда эҳтиёж товарларини харид қилиш ва хизматлардан фойдаланишлари учун ташкил этилганлиги кенг аҳоли қатламларига қатор имкониятлар беради.

Зарурий телекоммуникация ва дастурий инфратузилманинг мавжудлиги электрон тижорат ва электрон тўловлар тизими ривожланиш жараёнининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Республика коммуникация тармоқларининг фаол ривожини республика фуқаролари учун электрон хизмат кўрсатиш спектри ва географик қамровининг кенгайишига зарурий шароит яратиб беради.

## Долзарб вазифалар

Дарҳақиқат, Мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида илгари сурилган қонунчилик ташаббускорликларининг изчиллик билан амалга оширилиши давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларига замонавий ах-

борот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга зарур асос яратди ва мамлакатимизда аҳоли турмуш даражасини янада оширишга, хусусан, фуқароларга электрон тўлов ва тижорат хизматларини кенг миқёсда тақдим этишга имкон беради.

Шунингдек, кичик бизнес ва тадбиркорликда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишни ривожлантиришни янада рағбатлантиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш зарурлиги, тадбиркорлик субъектларига давлат органлари томонидан тақдим этилаётган интерактив давлат хизматлари рўйхатини кенгайтириш ҳамда сифатини яхшилаш, электрон тижорат билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига солиқ, божхона ва бошқа имтиёзлар беришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқишни давр тақозо этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги мақсадли йўналишларга эришиш борасида, давлат органларининг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ахборот ресурсларига оммавий уланишни, аҳолининг кенг қатламларини коммунал хизматлар учун электрон тўловларни амалга оширишни таъминловчи телекоммуникация тармоқлари инфрасуруктурасини ривожлантириш, "Электрон тўловлар тўғрисида" ва "Электрон тижорат тўғрисида" ги Қонунлар ижросини таъминлашдаги мавжуд муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш мақсадида интернет тармоғининг миллий сегментини маълумотлар билан тўлдирини ривожлантиришни рағбатлантириш, Миллий ахборот қидирув тизими ишлашини тубдан ва сифатли яхшилаш ҳамда ундан фойдаланувчилар сонини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ҳамда электрон тўловлар тизимини ривожлантириш мақсадида пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб қилишни техник ва дастурий инфратузилмасини яратиш, коммунал ва бошқа турдаги хизматлар учун электрон тўловни амалга ошириш ва интернет тармоғи орқали доимий равишда шахсий ҳисоб рақамига киришга имконият берувчи ягона ахборот тизимини шакллантириш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

**Ҳафиза КАРИМОВА,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик  
палатаси депутати

# e-kommunal.uz — окно в мир потребительских услуг

Электроэнергия, водоснабжение, канализация, газификация, утилизация бытовых отходов — делают наши дома уютными и создают нам комфортные условия для жизни. Но за комфорт надо платить. А повышение цен на коммунальные услуги негативно отражается на наших кошельках.

Возникает вопрос: Как правильно платить за коммунальные услуги, избежать перерасхода ресурсов и даже сэкономить?



На просторах Узнета с недавних пор ведет свою деятельность Портал коммунального хозяйства и жилищного фонда — удобно расположенный по адресам e-kommunal.uz, kommunal.uz и www.ek.uz. О Портале и предоставляемых им информации и услуг через него не раз уже рассказывали в предыдущих статьях. Еще раз хотелось бы напомнить определенные сервисы и услуги, предоставляемые порталом.

К примеру, калькулятор коммунальных услуг, имеющийся на Портале позволяет с легкостью подсчитать стоимость за электроэнергию, природного газа, горячей и холодной воды, отопления, вывоза мусора. А также можно воспользоваться опцией "Распечатать" и вывести полученные вами данные на бумажном носителе в формате PDF с указанием ваших платежей. Сейчас

разработчиками Портала ведутся работы по реализации функции распечатки бланков оплаты коммунальных услуг.

Но одним лишь калькулятором коммунальных услуг дело не ограничивается. Желающие могут узнать последние новости из сферы ЖКХ, о компаниях и организациях ведущих свою деятельность в сфере ЖКХ, получить достоверную информацию по нормативным документам, аварийным службам, махаллинским комитетам и воспользоваться интерактивными услугами.

Последнему пункту разработчики уделяют особое внимание. Так, пользователи могут задать вопрос или оставить свое обращение, будь то жалоба, заявление или предложение, и ответственный государственный орган рассмотрит его в течении 15 дней. Кроме этого, на портале есть рубрика "Часто задаваемые вопросы", посредством

которого пользователи могут найти ответы на интересующий их вопрос.

Функциональность и содержание Портала постоянно обновляется и расширяется новым и полезным контентом, позволяющим пользователем Портала быть не только осведомленным свежими новостями из сферы ЖКХ, но и получать помощь и новые интересные знания о мире потребительских и коммунальных услуг.

Сегодня справочник Портала пополнился еще одним подразделом "Рынки". Теперь обо всех рынках расположенных в Ташкенте вы сможете узнать просто перейдя по ссылке <http://ek.uz/ru/spr/market/>.

Портал находится только в начале своего пути развития, ведутся постоянные работы по совершенствованию, предоставляемых услуг для пользователей. Вы тоже можете внести свой

вклад, в его улучшение, отправив свое предложение по почте [info@e-kommunal.uz](mailto:info@e-kommunal.uz). Любое ваше предложение или вопрос будет в обязательном порядке рассмотрено инициаторами и разработчиками Портала.

А пока воспользуйтесь самыми простыми рекомендациями от специалистов Центра участвующих в реализации и разработке Портала, которые помогут сэкономить электроэнергию:

Выключайте свет, выходя из помещения, в том числе и подьезде.

Перед началом отопительного сезона остеклите балконы и утеплите стены и окна — эти меры помогут вам минимально использовать обогреватель.

Поменяйте обычные электрические лампы накаливания на энергосберегающие. Света у вас не убавится, а вот расходы на его оплату сократятся вдвое.

Приобретайте электротехнику такую как газовая плита, стиральная машинка, кондиционер с низким классом электропотребления (А, В, С).

Постоянно проверяйте исправность вашей бытовой техники. Энергопотребляемость новых электроприборов ниже, чем отремонтированных.

Используйте новейшие технологии XXI века, к примеру, микроволновую печь — это умная "духовка" разогреет быстро и сэкономит вам электроэнергию.

Накипь на чайнике и стиральной машине заставят их дольше нагреваться, тем самым увеличивая потребление энергии. Берегите электроприборы от накипи.

Старайтесь делать всю мелкую и кропотливую работу днем при естественном освещении.

[www.uzincom.uz](http://www.uzincom.uz)

## Учебный семинар

для ответственных за внедрение и развитие ИКТ

**12 апреля в Центре UZINFOCOM организован очередной учебный семинар для специалистов специализированных структурных подразделений министерств и ведомств, ответственных за внедрение и развитие ИКТ. На этот раз, в семинаре приняли участие представители Государственных комитетов и Комитетов республики.**

Данный семинар организован Государственным комитетом связи, информатизации и телекоммуникационных технологий Республики Узбекистан и Центром развития и внедрения компьютерных и информационных технологий UZINFOCOM.

Обращаясь к участникам семинара, представитель Госкомсвязи подчеркнул роль и важность специализированных структурных

подразделений министерств и ведомств, ответственных за внедрение и развитие ИКТ, задачах поставленных перед этими структурами и вопросах взаимодействия с Госкомсвязи.

На семинаре были рассмотрены вопросы формирования госзаказа, вытекающие из Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан "Об утверждении положения о порядке формирования и финансирования государственного заказа на реализацию проектов по внедрению и развитию информационно-коммуникационных технологий и типового положения о материальном стимулировании штатных работников специализированных структурных подразделений министерств, ведомств и других организаций, ответственных за внедрение и развитие современных информационно-коммуникационных технологий".

Кроме того, участникам семинара были представлены доклады о Едином портале интерактивных

государственных услуг, обеспечения информационной безопасности, состояния и развития информационных ресурсов и информационных систем государственных органов.

Участники семинара получили ответы на вопросы по формированию госзаказа для проектов по развитию ИКТ, в частности, о форме подачи заявки госзаказа, об источниках финансирования, о взаимодействии с другими органами, о кадровых вопросах в части поиска специалистов по ИКТ. Также, были даны рекомендации по развитию и совершенствованию информационных ресурсов и информационных систем, обеспечения информационной безопасности, а также предоставления интерактивных государственных услуг.

Представители Государственных комитетов и Комитетов получили исчерпывающие ответы на все вопросы от сотрудников Госкомсвязи и Центра UZINFOCOM.

## БЛАГОДАРНОСТЬ

Спасибо Вам,  
дорогие сотрудники ИБЦ!

*Мне 71 год, я инвалид первой группы, обе ноги парализованы. Уже 10 лет прикован к постели. Очень люблю читать. Я перечитал свои домашние книги и книги у соседей по улице. Но, хотелось читать и современные книги.*

*Однажды позвонил в Сырдарьинскую областную библиотеку (сейчас это информационный-библиотечный центр им. А.Навои) и объяснил им свое положение, то есть как можно стать читателем. Мне ответили, что отдел обслуживания занимается доставкой книг инвалидам. Так с весны 2004 года я стал получать на дом книги и периодику. Сотрудница ИБЦ Ирина Викторовна Сукачёва постоянно 2-3 раза в месяц приносит мне книги домой, преодолевая расстояние пешком больше полутора километров.*


*Через вашу газету хочу передать ей безграничную благодарность. Спасибо Вам, дорогие сотрудники ИБЦ. Желаю крепкого здоровья и удачи.*

Комил ШАРИПОВ  
Сырдарьинская область

# Хабар +tv




ДУШАНБА — 22 АПРЕЛ



5.55 Кўрсатувлар дастури.  
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"  
7.00 "Илдам"  
7.05 "Кўнги қўшиқ истайди".  
7.20 Миллий сериал: "Филобила".  
Художона телекомпаниялар.  
"Ўзбекистон" телеканалига за соғат 8.00 дам, 14.55 гава п ро ф и л а к т и к а.  
14.55 Кўрсатувлар дастури.  
15.00 "Эне" студияси: "Эттиқад чустарамдиги йулка".  
15.20 "Илдам".  
15.25 "Абдиот чамбариги", Т/с.  
16.15 "Ватанпарвар".  
16.55 "Илтибор".  
17.00 "Аббот".  
17.10 2013 йил - "Обод турмуш йили".  
"Кўнги ободиги".  
17.30 "Эркин фикр".  
17.40 "Эртасизар - иқтисодга етасизар".  
18.00 "Кўнги қўшиқ истайди".  
18.15 "Корвон".  
18.35 "ТВ-шифокор".  
18.40 "Комиссар Равшан", Т/с.  
19.25 20.00, 20.55 Эъланлар.  
19.30 "Аббот" /рус/.  
20.05 "Навоий бустонадан".  
20.10 "Меҳмоннама хўжайини", Т/с.  
21.00 "Аббот".  
21.40 "Муносабат".  
22.10 "Кўнги қўшиқ истайди".  
22.25 "Сарой жазоари", Т/с.  
23.20 "Илдам".  
23.35 - 00.00 "Завон парохиллари": Х/ф.  
00.00 Кўрсатувлар дастури.  
00.05 2013 йил - "Обод турмуш йили".  
"Кўнги ободиги".  
00.25 "Илдам".  
00.30 "Кўнги аёниқ нақил".  
1.00 "Аббот" /рус/.  
1.30 Телетатар: "Учар табиб", 1-қисм.  
2.05 "Ватанпарвар".  
2.45 "Илдам".  
2.50 "Корвон".  
3.10 "Ассалом, Ўзбекистон!"  
4.00 "Аббот".  
4.40 Миллий сериал: "Филобила".  
**Қизик, "ККАМ" ўқув марказининг 21 ёшли инглиз тили ўқитувчиси, Қарши шаҳрилик Мафтуна Очилованинг Ўзбекистонда ҳам, Америка Қўшма Штатларида ҳам ота-онаси бор. У вояга етгунига қадар ҳам Ўзбекистонда, ҳам АҚШда таълим олди. Қандай қилиб?**

Ёш иқтидор эгаси икки давлат ўртасида тузилган "Youth Exchange Opportunity" лойиҳаси асосида океанorti мамлакатининг "El Diamante" коллежиди таълим олди. Мафтуна лойиҳа қондасига кўра, АҚШдаги оилалардан бирида — Эдвардлар оиласида яшади.

У ўқиш жараёнида қўшма штатларнинг бир қатор худудларида ўтказилган йиғилишларда мамлакатимизнинг тарихий ва бутунги қудрати ҳақида ҳаммаси бўлиб 102 соатлик маъруза қилди. Шундан сўнг машҳур маҳаллий нашрлардан бири "Visalia Times" иқтидорли ватандошимиздан интервью олади ва газетанинг навбатдаги сонларидан бирида у ҳақидаги мақола чоп этилади.

Хўш, Мафтунанинг инглиз тилини ўрганишдаги ютуқларида бош омил нима эди?

— Ёшлигимда эслаб қолишим кийин бўлган ва янги сўзларни қоғоз парчаларига ёзиб, чўнтагимда олиб юрардим, — дейди у. — Қоғознинг бир томонида инглиз тилида сўзлар ёзилган бўлса, иккинчи томонида айни шу сўзнинг ўзбекча таржимаси бўларди. Бундан ташқари, уйимиздаги кўпга жиҳозларга уларнинг инглизча номларини ёзиб, ёпиштириб қўйганман. Бу ҳам инглиз тилини тез ва осон ўрганиб олишимда менга қўл келган. Шунингдек, қисқа-қисқа видеороликлар (субтитри билан) томоша қилганман. Бу орқали ҳам сўз бойлигини оширганман, ҳам уларни талаффуз қилишни ўрганганман.

**Айтиш лозимки, Президентимизнинг "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарори ёшларимизнинг хорижий тилларни ўрганишга бўлган қизиқишларини янада оширади, имкониятларини кенгайтиради.**

## Имкониятлар кенгайди

2013-2014 йилги ўқув мавсумидан бошлаб республикамизнинг барча худудда чет тилларни, асосан, инглиз тилини ўрганиш умумтаълим мактабларининг биринчи синфларидан ўйин тарзидаги дарслар ва оғзаки нутқ дарслари шаклида, иккинчи синфдан бошлаб эса, алифбо, ўқиш ва грамматикани ўзлаштиришдан босқичма-босқич бошланади. Бу эса яқин йиллар ичида хорижий тилларда бемалол суҳбатлаша оладиган, хорижий тажрибаларни ўзлаштираётган ёшларнинг янги авлоди улғаяди дегани.

— Ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида ҳозирда таълим масканимиздаги ўқитувчиларга хорижий тилларни ўргатишни бошлаб юбордик, — дейди Қарши шаҳридаги 5-умумий ўрта таълим мактаби директори Абдурахмон Абдуллаев. — Дарслар ҳафтаининг ҳар куни ўтказилади. Мактабимиз-

да 6 нафар инглиз тили фани ўқитувчиси бор. Уларнинг барчасига 60дан ошқич ўқитувчиларга инглиз тилини ўргатиш юклатилган. Айни пайтда мактабимизда ҳар чоршанба инглиз тилида сўзлашув куни деб эълон қилинган.

Қизик, яна бир-икки йилдан кейин кўпга ота-оналар ўз фарзандларининг хорижий тилларда берадиган саволларига қандай жавоб қайтаришаркан? Чет тилларни билсангиз-ку яхши-я, лекин билмасангиз-ки? Унда нима қиласиз? Яхшиини сиз ҳам болангиз билан у ўрганаётган тилини ўрганинг. Ана шунда уялиб қолмайсиз. Вазиятдан тез ва осон чиқиб кетасиз. Уларнинг дарслари қандай ўзлаштираётганини таҳлил қиласиз. Чунки сиз фарзандингиз учун қомил инсонсиз. Шундай экан ҳар бир ишда унинг ишончини қозонишга ҳаракат қилинг.

Ушбу саҳифа материалларини "Хабар"нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири Афтондил ИСМОИЛОВ тайёрлади

## ФАКТ

• Time журнали 1982 йили компютерни йил киши... дея эълон қилган.

## XABAR LUG'AT

**МАГИСТРАЛ (ИНГЛ. BACKBONE)** — Юқори тезликка эга алоқа линияси. У тармоқ сегментларини ягона тизимга бириктиради. Маълумотларни сонясига юз ва миңгаб мегабит тезликларда ташишни таъминлаб, самаралилиги пастроқ бўлган бошқа алоқа каналларига ҳам хизмат қўратади. Катта тармоқлар учун одатда оптик толали кабел асосида яратилади.

**МАКРО ТИЛ (ИНГЛ. MACRO LANGUAGE)** — Тизимда жами ҳаракатлар содир этишга имкон берувчи тил. У инсталланган ахборотни топши ва унга ишлов бериш ҳамда тизимга ахборотнинг янги турларини киритиш имкониятига эга.



## Китобсеварлар ТАНЛОВИ

Республика болалар кутубхонасида Обод турмуш йилига бағишланган "Китобсеварлар" республика кўриктанловининг якунловчи босқичи бўлиб ўтди.

Унда Халқ таълим вазирлиги, Тошкент вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти масъул ходимлари, болалар шоири ва таржимон Турусунбой Адашбоев ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Мазкур танловда Қорақалпоғистон Республикаси, 12та вилоят ва Тошкент шаҳридан голиб чиққан китобсевар оилалар иштирок этдилар.

Кўриктанловдан кўзланган асосий мақсад китобхонликни тарғиб қилиш орқали ўқувчиларнинг маънавий дунёсини бойитиш, уларда мустақил ва танқидий фикрлаш кўникма ва малакаларини шакллантириш, маънавий таҳдидларга нисбатан соғлом иммунитетни ривожлантириш, ўқувчиларга миллий ва жаҳон адабиётларини тизимли тарғиб қилиш орқали улар қалбда ватанпарварлик, эзгулик, инсонпарварлик сингари юксак фазилатларга нисбатан меҳр ва муҳаббат уйғотиш ҳамда ахборот олиш маданиятини шакллантириш, таълим муассасаларида китобсевар ўқувчиларни аниқлаш, уларни рағбатлантириш ва бошқаларга ўрнатилган сифатига кўрсатиш ҳамда уларнинг ота-оналари ижодий фаоллигини оширишдан иборатдир.

Кўриктанлов бешта шартдан иборат бўлиб, иштирокчилар олган баллари бўйича баҳоланиб, голиблар аниқланди. Олий ўринни Сурхондарё вилоятидан Комила Шоимова, биринчи ўринни Қашқадарё вилоятидан Комила Сайфиева ва Хоразм вилоятидан Шахноза Жоннибековалар, иккинчи ўринни эса Тошкент шаҳридан Ирода Абдусатторовалар олишга муваффақ бўлишди, қолган барча вилоятлар иштирокчилари учинчи ўринга лойиқ деб топилдилар.

**Бобомурод ИБРОҲИМОВ,**  
Республика болалар кутубхонаси ходими

### ФАКТ

• "Гилгамеш ҳақида афсона" — дунёдаги энг кўҳна эзма асар, у эраминдан аввалги учинчи асрда ёзилган.

## Ҳамкорлик давом этмоқда

Пушкин номидаги Самарқанд вилоят ахборот-кутубхона марказида АКМ, Самарқанд Давлат чет тиллар институти, "Fast education" инглиз тили ўқув маркази вакиллари ҳамкорлигида "Инглиз тили грамматикасини ўрганишга доир адабиётлар" тақдироти ўтказилди. Унда АКШнинг Жамоатчилик алоқалари бўйича бош котиб ёрдамчиси М.Хаммер иштирок этди.



Тақдимоти АКМ директори Ш.Ахмедова кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг М.Хаммерга сўз берилди. У авваломбор АКМ раҳбариятига шундай тadbирни ташкил этганлиги учун ўз миннатдорлигини билдириб, марказ фаолияти бўйича маълумотлар билан танишди. У тadbирнинг мақсад ва моҳияти тўғрисида, Ўзбекистон — АКШ ҳамкорлиги ҳамда Ўзбекистондаги сиёсий-маданий ўзгаришларга нисбатан ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

М.Хаммер ўзи билан олиб келган 43 номдаги китоб ва инглиз тили грамматикасини ўрганишга доир CD, DVD электрон дисклари тақдимотини ўтказди ва уларни АКМга совға қилди.

Тақдимот сўнгида тadbирда фаол иштирок этиб, инглиз тилини билиши, АКШ тарихи бўйича савол-

жавоблардаги билимларини намойиш эта олган ёш иштирокчиларга М.Хаммер АКШ тарихига доир адабиётлардан совға қилди.

Тadbир М.Хаммерга АКМ раҳбарияти томонидан эсдалик совғаси топширилиши билан якунланди.

**Махбуба КУЛОВА,**  
АКМ илмий-услубият бўлими мудир

## Ўз ўлкангни сев ва ўрган!



Адиб Собир Термизий номидаги Сурхондарё вилоят ахборот-кутубхона марказида "Ўз ўлкангни сев ва ўрган!" мавзуда китобхонлар анжумани бўлиб ўтди. Вилоят ўлкашунослик музейи ходими О.Бердиев вилоят тарихи, табияти, хунармандчилиги, кулолчилик, кашпачилик, дехкончилик, ўймакорлик ишлари ҳақида

маълумотлар берди. Ўлкашунослик музейи ходимлари "Сурхон воҳаси тарихи" мавзуда слайд намойиш этишди.

Инсон ўзи яшаб, униб-ўсаётган юрти, ўлкасини билишга ошмакди. АКМда ўлкашуносликка оид ташкил этилган музей доимий янги китоблар, экспонатлар билан тўлдириб боришмоқда. Ўлкашунослик сектори ходимлари томонидан ўлкашуносликка оид ишларни йўлга қўйиб, ушбу йўналиш бўйича маълумотларни тарғиб қилиш кенг қўламда олиб бориляпти.

АКМ ўлкашунослик секторига ўлкашуносликка оид адабиётлар, "Термизийлар мероси", "Сурхон воҳаси", "Воҳа хунармандчилиги" мавзуларида кўргазмалар ташкил қилинди.

Анжуманда вилоят ёзувчилар уюшмаси аъзоси К.Абдуллаев сўзга чиқиб, воҳадаги ёзувчи ва шоирлар ҳақида маълумот берди.

Тadbир сўнгида ўлкашунослик музейига экскурсия ташкил қилинди.

**Дилфуза ХУДОЙНАЗАРОВА,**  
АКМ ўлкашунослик сектори 1-тоифали кутубхоначиси

## Ташкилчиларимиз бор

"Xabar" юртимиз алоқачилари ҳаётини ўз саҳифаларига олиб чиқишга кенг ўрин ажратаётган, шунингдек, соҳадаги ўзгариш ва янгиликлар, чет элларда ахборот технологиялари борасида олиб борилаётган изланишлар ва натижаларни мунтазам ёритиб бораётган газидадир. Шунинг учун ҳам туманимиз телекоммуникациячилари ҳар йили газидага ўз вақтида обуна бўли-

шади ва мақолаларни қизиқиш билан ўқиб чиқишади. Биз, айниқса, қишлоқларда истиқомат қилиб, айрим нуқулликларга қарамай замон билан ҳамқадам одим ташлаётган алоқа соҳаси фидоийларининг ҳаёти, фикр-уйлари, аҳолининг алоқа хизматида бўлган талаб ва эҳти-

ёжларини қондириш борасида олиб бораётган ишлари ҳақидаги мақолаларни қизиқиш билан ўқиб чиқамиз ва маънун бўламиз ҳамда ана шу мавзудаги мақолалар кўпроқ ёритилишини истаймиз. Шу борада тахририят ходимларига ташкилчиларимиз: газидада "Қишлоқ алоқачилари ҳаётини" руқни очилса ва унда вилоятлар туманларида ис-

тиқомат қилиб, зиммаларидаги тошириқни тўлиқ адо этишга ҳаракат қилаётган алоқачилар ҳаётиндан ҳикоя қилувчи мақолалар чоп этиб бориlsa.

Умуман олганда, газида саҳифаларидан ўрин олаётган барча мақолалар бизга манзур бўляпти ва бунинг учун тахририят ходимларидан беҳад миннатдоримиз.

**Шераод МАХМУДОВ,**  
Бўка телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи

## ХАВАР-АНКЕТА

1. "Xabar" да юртимизда ва чет элларда ахборот технологиялари янгиликларига бағишланган чоп этилаётган мақолалардан кўнглингиз тўляптими?
2. Газидада қандай танловлар ўтказилишини, янги руқнлар очилишини хоҳлайсиз?
3. Сизнинг назарингизда, қайси мавзулар газида эътиборидан четда қоляпти?
4. "Xabar" соҳа наشري сифатида ўз олдига қўйган вазифаларни бажаряптими?
5. Қайси мавзулардаги мақолалар сизга кўпроқ манзур бўлмоқда? Қайсилари эса йўқ?

Хатларингизни кутамиз. Энг мазмунли тақлиф ва мулоҳазаларингиз газидада эълон қилинади. Электрон почтамиз: info@xabar.uz

2013-YIL — OBOD TURMUSH YILI

**Дунёда инсонлар кўп, турли қиёфали, феъл-атворли. Кимдир бу ҳаётда ўтаётган умридан мамнун бўлиб яшайди, кимдир эса қимтини, яна кимдир ғижиниб. Унинг қай ҳолатда умр кечириши ҳаётга, атрофдагилар ва рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга муносабатига кўп жиҳатдан боғлиқ. Айтишади-ку, ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё, гурбат излаганга гурбат бу дунё, деб.**

...Кўшниси Мархабонинг тўйини ўтказиб, кўнгли хотиржам бўлган Хосият хола синглисиникига йўл олди. Мархабонинг ёлғиз кўл билан оила тебратиб, фарзандларини ўқитгани-ю уйи-жойи қилаётганидан яхши хабардор бўлган хола кўшнисини бир талай юмушлар ичида ёлғиз ташлаб кета олмади, ёнида онасидай туриб, тайёргарлик ишларига ёрдам берди. Узининг кучи етмаган муаммоларни ҳал қилишда ўғил ва келинларидан ёрдам сўради. Умрларидан барака топишини, маҳалла фаоллари ҳам четда қолишмади, нима камчилик бўлса, жойида ҳал қилишди. Кўндан кўён қочиб қутулмас, деганларидек тўй жуда батартиб ва чиройли ўтди.

Автобус бекатига яқинлашганида Саломатхонга дуч келди. Саломатхон Мархабондан сал нариққда яшайди. Ўғли Мархабонинг ўғли билан синфдош. Шу туйфайли тўйда елиб-югуриб хизмат қилди, ўртоғининг отасизлигини билдирмаслик учун кўлидан келганини аямасди.

## Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё

— Ха, холажон, қаяққа отландингиз, — деди Саломат салом-алиқдан сўнгра.

— Синглимникига анчадан бери бормаган эдим. Болалари хали ёш, ўзи кела олмайди. Сўрасам, амакингиз бориб кела қол, дедилар. Сирдарёга кетяпман.

— Кўшнисининг тўйини ўтказиб кўнглингни хотиржам тортиди. Тўй ҳам жуда ажойиб ўтди. Мархабо болаларини қийинчилик билан оёққа қўйганига яраша, улар ҳам онаси истаганидай ақлли, ўқинишли, меҳрли бўлишди. Қудалар ҳам ўзалари каби меҳнатқаш инсонлар экан. Ишқилиб, ёшлар кўша қаришсин, Мархабонинг ҳам кўксига офтоб тегади энди.

Саломатнинг гапларидан кўнгли тоғдай кўтарилди Хосият холанинг. У билан хайрлашиб, бекатга етиб келди. Автобус энди кетган экан, бир оз кутишга тўғри келди. Шу пайт ёнига рўпарадаги уйда истикомат қилувчи Қаримахон келиб қолди. У ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришиб, гап Мархабонинг тўйига келиб тақалди.

— Уйда эркакнинг ўрни бошқа экан-да, — деди Қарима афсусланганима. — Тўйда санъаткорларнинг камлигини қаранг. Овсиним ҳам яқинда тўй қилди. Санъаткорлар навбат кутиб бир-бирлари билан уришиб кетишларига оз қолди. Дастирхонга тортишдан овқатларнинг кўнглини айтмайсизми?! Куд томон бақувват экан-да, келинга фақат хорижда ишлаб чиқарилган мебеллар, эрон гиламларидан қилишибди. Кўриб, ҳамманинг оғзи очилиб қолди. Мархабонинг келинига ўзимизда ишлаб чиқарилган мебеллардан қилишибди, у ҳам тўлиқ эмас эмиш...

Хосият хола ортиқ чидай олмасди. Қариманинг гапини бўлиб, фикрларини шартта-шартта айтиб ташлади:

— Мабодо Мархабо бой-бадавлат бўлганида ҳам худди кечагидай тўй қиларди. Чунки, у диёнатли, инсофли аёл. Исрофгарчилик шайтондан эканлигини жуда яхши билади. Шунинг учун ҳам ҳар бир нарсани тежаб-тергаб ишлатади, қадрига етади. Мебел масаласига келсак, келин-куёвнинг келажакда бахтли-саодатли ҳаёт кечиришлари бир-бирини тусуниб, эҳтиёт қилиб яшашларига боғлиқ. Уйда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат бўлмаса, хориж мебеллари кимга керак?! Қойилман сизга, ҳар ким кидирганини топади, деб шунга айтсалар керак-да!

Хосият хола автобусни ҳам қутиб ўтирмади, келаятган енгил машиналардан бирини тўхташиб, ўтирди-кетди. Қарима эса ҳай-ҳайлаганича қолаверди. Мулзам бўлганидан юзлари дув қизарди. Холанинг тўғри ва асосли танбеҳи унга бир умрлик сабоқ бўлар, эҳтимол.

Муборак МИРКАМОЛОВА

**ТАҲРИРИЯТДАН:** Ҳурматли газетхон! Мақолада кўтарилган мавзу юзасидан Сиз қандай фикрдасиз? Мақубларингизни қутамиз.

# Бахт йўли

Пўлат Хасанов 1937 йил 15 декабрда Тошкент вилоятининг Калинин туманида (ҳозирги Юнусобод тумани) хизматчи оиласида таваллуд тошган.

1955 йилда мактабни аъло баҳолар билан тугатиб, Ўрта Осиеё политтехника институти (ҳозирги Тошкент Давлат техника университети)га ўқишга кирди. 1960 йилда шу институтнинг энергетика факултетини "Электр станциялари, тармоқлари ва тизимлари" ихтисослиги бўйича битириб,

электр муҳандиси дипломини олди ва

шу факултетда катта лаборант, сўнгра лаборатория мудри лавозимларида ишлади. 1964 йили аспирантурани тамомлаб, "Электротехниканинг назарий асослари" кафедрасида катта ўқитувчи вазифасида иш бошлади. 1967 йилда "Назарий электротехника" ихтисослиги бўйича "Уч элементли феррорезонанс релелар" мавзусидаги номзодлик диссертациясини химия қилди. 1968 йилда эса доцентлик унвонига эга бўлди. 1972 йилда институтнинг "Ахборот-ўлчов техникаси" кафедрасига вақтинчалик мудир, 1973 йилдан то 1995 йилгача мудир лавозимида ишлади. 1975 йилда "Назарий электротехника" ихтисослиги бўйича "Электр ва электромангнит занжирлар ҳамда тизимлар схемаларининг структура-тартиб моделлари ва алгебралари" мавзусидаги докторлик диссертациясини химия қилди ва 1977 йилда профессор унвонига сазовор бўлди. 1989-90 йилларда "Автоматлаштирилган бошқариш тизимлари" факултетидека лавозимида ишлади.

1995-2005 йиллар давомида "Робот техникаси ва ахборот тизимлари" кафедрасининг профессори лавозимида аспирант ва магистрантларнинг илмий ишларига раҳбарлик қилди. 1996-99 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамят қурилиши академиясида бўлим бошлиғи, бошқарма (марказ) бошлиғи лавозимларида ишлади. 1999 йил май ойидан 1999 йил охиригача Давлат тест марказининг директори маслаҳатчиси лавозимида ишлади, 1999 йилдан 2012 йилнинг август ойигача Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари марказида илмий консультант, бош илмий ходим лавозимида фаолият юритди.

Домла илмий фаолияти давомида жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этган. У информатика, ҳисоблаш техникаси, алоқа ва энергетика соҳалари бўйича Ўзбекистон Республикаси олий аттестация комиссияси экспертлар кенгашининг раиси, кибернетика илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида докторлик ихтисослашган кенгаш аъзоси, информатика бўйича Ўзбекистон Республикаси фан ва техника Давлат қўмита-

ситаларини яратиб усуллари, криптология муаммоларини ечишнинг параметри алгебраси илм оламида тан олинган илмий кашфиётлар қаторида муносиб ўрин олган. Унинг раҳбарлигида тайёрланган номзодлик ишларидан бир нечтаси давлат мукофотларига сазовор бўлган.

Пўлат Хасанов 2012 йилга қадар Ўзбекистон Республикаси учун янги бўлган ахборот хавфсизлиги ва криптография

9-MAY — XOTIRA VA QADRLASH KUNI

иёналишлари бўйича илмий-тадқиқот ишларига илмий раҳбарлик қилди. Республикада ахборот хавфсизлигининг энг ишончли йўналишларидан бири бўлган криптография йўналишининг ривожланишига муҳим ҳисса қўшди. Унинг илмий раҳбарлигида 2005-2009 йилларда Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари марказида ахборотни криптографик муҳофазаси бўйича (электрон рақамли имзо, маълумотларни шифрлаш, хэш-функция) давлат стандартлари ишлаб чиқилди.

П. Хасанов раҳбарлигида ишлаб чиқилган "Криптографик коммуникация, аутентификация ва махфий қилитлар генерациясининг диаэкспоненциал тизимини яратиб усули" ва "Рақамли имзони шакллантириш ва аутентификациялаш усули" ихтиролари "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги энг яхши рационализаторлик тақлифи ва ихтиро" республика танловларида 1-даражали диплом билан мукофотланди.


Устоз нафақат серкирра олим, ижодкор ва мураббий, балки меҳрибон ота ва Зодан зиёд невра ҳамда эвараларнинг бобоси эди. Рафиқаси Раънохон опа билан бахтли, ҳамма ҳавас қиладиган даражада ҳаёт гаштини бирга суришди. Биргаликда 9 фарзандни вояга етказишди. Уларнинг кўпчилиги ота изидан бориб алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ҳалол меҳнат қилмоқдалар.

Пўлат Хасанов буюк бахтта сабот билан эришган инсон. У ўзи айтганидек:

**Бахт замини замона туташ, Юрт юксалса, юксалар бахт ҳам. Буюк бахтга ижод ва кураш, Сабот билан етишар одам.**

Серкирра олим Пўлат Хасановнинг илмий мероси йиллар давомида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг ривожланишида муҳим ўрин тутди.

М. НАЗАРОВА



УЛУФ ОДАМ ЎЗ ЗАМОНАСИДАН ЎЗИБ КЕТАДИ, АҚЛЛИ ОДАМ ЭСА ҲАР ҚАНДАЙ ШАРОИТДА ҲАМ ЗАМОНАСИ БИЛАН ҚАДАМ-БАҚАДАМ БОРАДИ.

Э. БАУЭРНФЕЛД

Ucell алоқа оператори ўз абонентлари учун баҳорги тўхталарни тақдим этишни бошлади.

Xabar  
www.xabar.uz

# Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси жамоатчилик билан алоқалар бўйича мутахассисни ишга қабул қилади

## ВАЗИФАЛАРИ:

■ аҳолининг ахборот-коммуникация технологиялари ривожланиши, "Электрон ҳукумат" ва интерактив давлат хизматлари жорий қилиниши бўйича хабардорлигини ошириш;

■ фуқаролар ва тadbirkorларга оммавий ахборот воситалари орқали ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилишнинг афзалликларини оддий тилда муфассал тушунтириш;

■ амалга оширилаётган ва ривожлантирилаётган ахборот тизимлари, шунингдек, уларни жорий қилишдан қутилаётган натижалар тўғрисида юридик ва жисмоний шахсларга муфассал ахборотга эга бўлган тахлийий эшиттиришлар ва мақолалар тайёрлаш бўйича давлат органларининг тегишли бошқармалари билан ўзаро алоқаларни ташкил этиш;

■ Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ва бошқа давлат органларининг ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича фаолиятини оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий медида ахборот оқимини шакллантириш;

■ алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасини кенг ёритувчи нашрлар вакиллари орасидан журналистлар гуруҳини ташкил этиш ва улар билан доимий ахборот алмашинувини таъминлаш. Худудий ва ихтисослаштирилган оммавий ахборот воситалари журналистлари ҳамда худудлардаги ҳокимият органлари матбуот хизматлари билан ўзаро алоқаларни ташкил этиш;

■ мақсадли аудиториялар билан ахборот маслаҳатлашув ишларини ўтказиш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг фаолияти тўғрисидаги сўровларга тезкор жавоблар тайёрлаш;

■ матбуот тadbirkorлари ва махсус лойиҳалар (журналистлар иштирокида матбуот анжуманлари, қабул маросимлари ва учрашувлар) ташкил этиш, уларни амалга ошириш учун ахборот материалларини тайёрлаш;

■ оммавий тadbirkorларда (конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқалар) Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси вакиллари иштирокида ахборот материалларини тайёрлаш;

■ АКТ ҳафталиги, кўргазмалар, тақдимотлар, конференциялар, омидкор учрашувлар, давра суҳбатлари, очик эшиклар куни ва PR-компанияларни режалаштириш ва уларнинг самарадорлигини олдиндан айтиб бериш (прогноз қилиш);

■ ахборот материалларини тармоқ интернет ресурсларида ва оммавий ахборот воситаларида тезкор жойлаштириш;

■ соҳа корхоналари ва ташкилотлари PR-мутахассислари ва контент-менеджерларининг фаолиятини мувофиқлаштириш.

## ТАЛАБЛАР:

**Маълумоти** — олий (ахборот-коммуникация технологиялари ёки журналистика соҳасида бўлгани маъкул).

**Иш тажрибаси** — алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида, оммавий ахборот воситалари ёки жамоатчилик билан алоқалар соҳасида камида 3 йиллик меҳнат стажига эга бўлиши. Телевидение ва радиода махсус кўрсатувлар ёки эшиттиришларни ташкил этиш тажрибасига эга бўлиши қўллаб-қувватланади.

Юқори даражада камера ва аудитория олдида чиқиш кўникмаларига эга бўлиши лозим.

Журналистик маҳорат асосларини билиши лозим.

Матбуот хизмати фаолиятини ташкил этишни, Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари соҳасидаги қонун ҳужжатларини, коммуникация технологиялари асосларини, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро алоқалар ташкил этишни билиши лозим.

Компютер техникасидан яхши фойдаланувчи, интернет технологиялари ва ижтимоий медиани билиши лозим.

Ўзбек тилини мукамал билиши зарур, чет тилларини билиши қўллаб-қувватланади.

**Номзодлар объективка-маълумотномаларини ҳамда жамоатчилик билан ишлаш бўйича амалга оширган лойиҳалари ва тажрибаси тўғрисидаги қисқа маълумотни Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг Кадрлар бўлимига 2013 йил 1 майга қадар қуйидаги манзилга тақдим этиши лозим:**

Тошкент шаҳри, Амир Темуր шоҳқўчаси, 4-уй ёки электрон почта орқали: HR@ecitt.uz

Маълумот учун телефонлар: 238-41-16, 238-41-43, 238-43-12.

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ахборот-коммуникация технологиялари йўналишларида фаолият юритаётган раҳбар ва мутахассис кадрлар бўйича маълумотлар базасини шакллантираётганини маълум қилади. Маъмур маълумотлар базасидан қўмитанинг таркибий бўлимларига, шу билан биргаликда, давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда давлат ҳокимияти органларининг махсус АКТ бўйича бўлимларига номзодларни танлашда фойдаланилади.

Ушбу базага қўшилиш истагида бўлганлар ўз объективка-маълумотномаларини ва фаолиятлари ҳамда қисқа маълумотномани қўмита бўлимига қуйидаги манзил бўйича юборишлари керак: Тошкент шаҳри, Амир Тему́р шоҳқўчаси, 4-уй ёки электрон почта орқали: HR@ecitt.uz  
Маълумот учун телефонлар: 238-41-16, 238-41-43, 238-43-12.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тadbirkorлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятини лицензиялаш тўғрисида иншонинг 49-бандига асосан:

"FON" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва куриш бўйича фаолиятига берилган (қайта расмийлаштирилган) АА серияли 0003851 рақамли;

"TEXNO-RADIO-ALOQA" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ кўчма радиотелефон (радиотелефон, транкли) алоқа тармоқларини лойиҳалаш, куриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003619 рақамли;

"MICROS ENGINEERING" хусусий корхонасининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш, куриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002431 рақамли;

"MERATEK TECHNO" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш, куриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003663 рақамли;

"INGENIUM GROUP" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ кўчма радиотелефон (радиотелефон, транкли) алоқа тармоқларини лойиҳалаш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003572 рақамли ҳамда маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш фаолиятига берилган АА серияли 0003571 рақамли;

"Навоий Тонги" кичик корхонасининг (Навоий ш.) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқларини куриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003524 рақамли лицензияларининг амал қилиши 2013 йил 9 апрелдан;

"TELECOM PROJECT PLUS" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойиҳалаш ва куриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002556 рақамли лицензиянинг амал қилиши жамият тугатилган сана — 2010 йил 23 ноябрдан;

"IDEAL MOBIL SERVIS" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини куриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002707 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2012 йил 4 октябрдан;

"Сайрам-чирой сервис" хусусий корхонасининг (Тошкент вилояти):

- маҳаллий телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003205 рақамли;

- шаҳарлараро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003206 рақамли;

- халқаро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003207 рақамли лицензияларининг амал қилиши корхона тугатилган сана — 2012 йил 28 ноябрдан;

"DEL-MONOLIT" масъулияти чекланган жамиятининг (Гулистон ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини куриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002983 рақамли лицензиянинг амал қилиши жамият тугатилган сана — 2011 йил 13 июлдан тугатилди.

## Ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинг!

Хизматимиз ходимлари томонидан жойларда, аҳоли ўртасида ёнгин хавфсизлиги қонун-қоидаларини тушунтириш ва уларга риоя қилиш бўйича учрашувлар ташкиллаштириляпти. Бундан ташқари, оммавий ахборот воситалари орқали ҳам тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Амалга оширилаётган тadbirkorлардан қўзланган мақсад аҳоли ўртасида ёнгинга қарши курашни кучайтириш, ёнгинларнинг олдини олишга аҳолини жалб қилишдир.

Тилсиз ёв билан курашиш фақатгина ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимларининг эмас, балки ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Очик алангадан фойдаланишда эҳтиёткорлик чораларини кўриш, электр ва газ асбобларини доимо соз ҳолда сақлаш, қўлбола электр ва газ асбобларидан фойдаланимаслик, дуч келган жойда чекмаслик — шу каби қоидаларга риоя қилинса уйлари-мизни, ҳар бир фуқаро йиллаб йиққан мол-мулкни, уй-жойини, қолаверса, ўзини ва яқин кишиларининг ҳаётини асраб қолган бўлади.

Нима учун ҳаётга талпинаётган муррак бир гўдак, бизнинг лоқайд-лигимиз оқибатида, оташ қурбони бўлиш керак?! Ҳеч ким ўз фарзанди ногирон бўлиб қолишини хоҳламайди, албатта. Ёнгин эса бир неча сония ичида мол-мулкдан ва яқинлардан ажратолаётган бир офатдир. Ҳаётда содир бўладиган дахшатли фалокатлардан бири, шубҳасиз, ёнгин. Олов ҳеч кимни ва ҳеч нимани аямайди. Ер юзида ҳар қуни содир этилаётган ёнгинлар эса неча-неча инсоннинг ҳаётига зомин бўляпти. Шу боис ҳамisha хушёр ва огоҳ бўлайлик! Шунини унутмаслигимиз лозим — ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилсак, уйимизда ёнаётган олов бизга фақат дўст сифатида хизмат қилади.

Зафар МУРАМЕТОВ,  
12-ХЕҲО 1-ХЕҲ алоҳида  
пост бошлиғи, капитан

Баҳор келиши билан қишки оғир кийимлардан қутуламиз. Ўзимизни енгил ҳис қиламиз. Аммо баҳор ёки ёзнинг ҳам ўзига яраша "ташвиш"лари бор. Иссиқ ва қуёш нурининг кўзимизга таъсири шулар қаторига киради. Бундан эса бизни қуёш нуридан ҳимоя қилувчи кўзойнаклар асрайди. Куйида баҳор ва ёзнинг керакли буюми — кўзойнак ҳақида.

# Кўзимизни авайлаш!

Аввал

Узоқ ўтмишда римликлар ва юнонлар сув билан тўлдирилган шиша шар нарсаларни катталаштириш хусусиятига эгаллигини сезиб қолишди. Миллодан аввалги II асрда ҳукмронлик қилган император Нероннинг зумрад тоши ҳақидаги ривоятда у гладиаторлар жангини силликланган лажувард ойна ёрдамида томоша қилгани айтилади. Қимматбаҳо тошдан ясалган ушбу буюмни кўзойнақнинг биринчи ажодидеса бўлади. Нерон бу яшил зумраддан "нигоҳини ўткирлаштириш" учун фойдаланган.

Бугун

Яхшироқ кўриш ва бойликни кўз-кўз қилишга хизмат қилган кўзойнак даврлар ўтиши билан мода оламининг ажралмас қисмига, ташқи кўришни-нинг ўзига хос рамзига айланди, десак хато қилмаймиз. Ҳатто бугунги кунда кўришдан шикоят қилмайдиганлар ҳам кўзойнак тақияпти. Ишбилармон аёллар эрталаб ишга кетишдан олдин алоҳида синчковлик билан пардоз-андозга берилгандан кўра, урфдаги кўзойнақни тақиб, ўзларига анча қулайлик яратдилар. Ёш мутахассис эса шаффоф кўзойнақда салобатлироқ кўришиб, уларга ўзига нисбатан ҳурмат уйғотади.

Қайси фойдали?

Кўзойнаклар асосан шиша ва елимдан тайёрланади. Ҳар иккисининг ҳам

## Бунинг учун кўзойнақни тўғри танланг

яхши-ёмон томонлари бор. Елим шишага нисбатан юмшоқ, аммо чидамсиз. Бошқа турдагилардан икки баробар енгиллиги елим кўзойнақларнинг асосий ютуғидир. Ойнали кўзойнақ синганда унинг парчалари келтириб чиқарадиган кўнгилсизликларни ҳисобга олсак, елим мосламанинг жароҳат етказиш хавфи анча кам.

Танлашда адашманг

Кўзойнақ танлар экансиз, у қулай, қулоққа, бурун қаншарига ботмаслиги, асосийси, кўз олдида линза тўғри ҳолатда туриши, яъни кўзга нисбатан симметрик равишда пешанадан ёноққа томон сал эгилиб туриши лозим.

Агар кўзойнақни биринчи марта тақабган бўлсангиз, шунинг билан, кўзойнақ гардиши кўрув майдонини бир оз чегаралайди, линза орқали кузатилаётган нарсалар гўё кимирлаётгандай бўлади ёки улар бир-бирига қўшилиб кетаётганга ўхшаб кўринади. Камдан-кам ҳолларда у юришни, кесиб ўтиладиган махсус йўлдан ўтишни ёки зинага кўтарилишни қийинлаштиради. Бундан асло ташвишланманг, хали бунга тез ўрганиб кетасиз.

Кўзойнақни жуда эҳтиётлик билан авайлаб тутиш керак. Уни шишаси-

нинг кавариқ томони билан столга кўйманг, чунки бундай қилсангиз, линза юзаси бузилади. Кўзойнақдан фойдаланмаётган пайтингизда уни виллофига солиб қўйинг. Кўзойнақни авайлаб тутсангиз, у сизга кўп йиллар хизмат қилади.

Кўзойнақларни бугунги кунда исталган жойдан — бозор растаси, метрога киравериш ва қолаверса, турли жойларда ташкил этилган ёйма дўконлардан сотиб олиш мумкин. Кўпчилик кўзойнақ харид қилишда унинг гардишига эътибор бериб, линзасини диққатдан четда қолдиради. Афсуски, кўчакўйда сотилаётган кўзойнақлар тиббиёт талабларига жавоб бермайди. Сифат ва саломатлик талабларига жавоб бермайдиган махсулот харид қилиш эса оптик нуқсонлар, хусусан, абберация (линза орқали ўтадиган ёруғлик нурларининг бир нуқтада тўпланмай, ундан сал охиш)ни келтириб чиқаради. Бу эса кўзнинг чарчати, бош оғриғига сабаб бўлиб, оқибатда кўриш қобилиятини пасайтиради. Шунинг учун шифокорнинг кўрсатмаларига амал қилиб, ўзингизга тўғри келадиган кўзойнақни ишончли оптик дўконларидан сотиб олинг.

Афтондил ИСМОИЛОВ  
тайёрлади

QATRA

## АНТИҚА СОВҒА

Катталарнинг гап-сўзларидан қизча тушундики, яқинда отасининг туғилган куни. Ўйлаб-ўйлаб у ҳам совға тайёрлашга қарор қилди. Ошқонадаги шкафдан онаси олиб келган қолванинг қутичасини топди. "Энди уни ялтироқ қоғоз билан ўрашим керак, — ўйлади қизалоқ. — Яқинда оғим туғилган кунимга олиб келган қўғирчоқнинг қутисини ана шундай қоғоз билан ўраган эди-ку!"

Қизча отасининг дарсхонасида бир ўрам ана шундай қоғоз олиб чиқди. Қайчинини олиб унинг каттагина қисмини кесаётган эди, хонага отаси кириб қолди ва аҳволни кўриб бақира кетди:

— Бу нимаси, шунча қоғозни нега исроф қилгансан?!

Отасининг важоҳатидан қўриқиб кетган қизалоқ қоғоз ўрамини жойига қўйиб, ерга қараганча хонадан чиқиб кетди. Эртасига кесиб олган қоғоз бўлағи билан қутичани ойиси каби яхшилаб ўради, четларини елимлади ва қарава-тининг тағига яшириб қўйди.

Эрталаб ҳамма нонуштага ўтирганида қўлида ялтироқ қутича билан келган қизалоқ отасининг бағрига суқилди ва деди:

— Отажон, туғилган кунингиз билан табриклайман. Мана бу совгани сизга тайёрладим.

Ажабланган ота қутичани очди-ю бўшлиғини кўрди:

— Бўш қутини совға қилиш мумкин эмаслигини билмайсанми?

— Отажон, қути бўш эмас, — деди қизалоқ охунки каби катта-катта ва чиройли кўзларини пирширатиб. — Сўнг дўмбоқ бармоқчаларини букиб-букиб гашира бошлади. — Мен эрталаб туриб қутичани очдим ва шунча-шунча марта сизни яхши кўришимни айтиб, тўлдирдим.

Уч ёшли қизалонинг беғараз меҳри ва топқирлиғига қойил қолган отанинг юзлари дув қизарди ва қизчани бағрига босди.

— Раҳмат қизалоғим, — деди лўши юзларидан ўпар экан. — Қутичани меҳринг билан тўлдирганингни билмабман. Кечир мени.

## Табриклаймиз!

"Ўзбектелеком" АК Сурхондарё филиали жамоаси Шўрчи телекоммуникациялар боғламаси муҳандиси Мамаражаб ИСМОИЛОВни 60 ёши ва Қизилқум телекоммуникациялар боғламаси ходими Рустам ҚАРИМОВни 55 ёши билан табриклар, уларга узоқ умр ҳамда мустақкам соғлиқ тилайди.

## БРЕВЕР – КОНВЕРТ ИХТИРОЧИСИ

Бугунги конвертлар ким томонидан ихтиро қилинганлигини биласизми? У 1820 йилда қоғоз-қалам сотувчиси, англиялик Бреввер томонидан қуйидагича кашф қилинган:



Жаноб Бреввер дўкони пештоқини ўзгартириш ҳақида узоқ ўйлайди. Сўнг бир қарорга келади. У қоғоздан турли шаклдаги пирамидалар ясаб, унинг юқори қисмини энг кичик ҳажмдаги пирамидача билан безатади. Ана шу кичик пирамидача Бревверга ёқиб қолади ва уни таширф қоғози сифатида қўллаб бошлайди. Бу англик бирпасда тарқалиб кетади. Шу тарихка хатларни бир манзилдан бошқа манзилга жўнатувчи конвертлар пайдо бўлади. Конверт — инглизча to cover, яъни ёпмоқ, беркитмоқ маъноларини англатади.

## Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚУМБИАСИ

Бош муҳаррир:  
Абдусайд КҮЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақам билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:  
Хуршид МИРЗАХИДОВ (Ҳайнот раиси), Максим МАХМУДОВ, Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Суван НАЖБИДДИНОВ, Абдугани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масул котиб).

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари таҳрирнинг фикридан фарқлангани мумкин. Нашрийдан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Реклама матнларининг тўғрилиги таҳрирнинг жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент, Бунёкор шоҳқўчаси, 8-уй.  
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.  
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz  
Обуна индекси — 228.

Газета таҳририят компютер базисда терилди ва саҳифаланди.  
Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.  
Навбатчи: Аслиддин БҮРИЕВ.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.  
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Видеот муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80

Бухорода 223-27-85

Гулистонда 40-12-19

Жиззахда 226-06-34

Навойда 225-91-10

Наманганда 232-97-86

Нукусда 554-35-45

Самарқандда 233-61-81

Термизда 224-06-12

Тошкентда 288-40-66

Урганчда 226-37-16

Фарғонада 224-18-05

Қаршида 931-08-99